



СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ибрагимова Шахноза Уткуровна

Фуқаролик ишлари бўйича

Яккасарой туманлараро суди судьяси

ibragimovashahnoza83@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7478804>

ARTICLE INFO

Received: 13th December 2022

Accepted: 21th December 2022

Online: 23th December 2022

KEY WORDS

Судлар, фаолият, суд-ҳуқуқ, ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари, таъминлаш, жамоатчилик, назорат, ахборот, қонуний.

ABSTRACT

Мазкур мақолада судлар фаолиятида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ўрни ва аҳамиятига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада муаллиф судлар фаолиятини амалга оширишга доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам таҳлил этган.

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланиши ўз ифодасини топган¹.

Шундай экан, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш ва такомиллаштириб бориш янги

Ўзбекистонни барпо этиш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Одил судловнинг ошкоралиги, ахборот шаффофлигига доир халқаро стандартларига миллий қонунчиликни мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда ҳам “суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш”²га қаратилган вазибалар белгиланган. “Барча давлат органларида қарор қабул қилиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент, Ўзбекистон. 2021. - 5 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон.



жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш”³, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу эса фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, судлар фаолияти очиқлиги ва судда иш қўришнинг ошкоралигининг ҳуқуқий табиати, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш чегараси, кафолатлари ҳамда суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, соҳада жамоатчилик назоратини ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ваҳоланки, суд фаолиятининг очиқлиги суд муҳокамасининг ошкора-лигини таъминлаш одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажарар экан, суд ҳокимияти ҳам ОАВ билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилиши, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газ. 2020 й. 30 дек. сони.

⁴ Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига

Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида: “қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилганлиги”⁵ ҳақидаги сўзлари ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Шундай экан, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда суд органларининг фаолиятида маъсулиятни ошириш юзасидан бир қанча вазифаларни бажариш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сон, 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон, 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида кор-рупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-

бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 декабрдаги Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газ. 2022 йил 21 декабрь, 259-сон.



тадбирлари тўғриси-да”ги ПФ-6127-сон Фармонлари, 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4818-сон Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари судлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари сифатида муҳим рол уйнайди. Мазкур фармонларда суд ишларини юритишда одил судловни амалга ошириш сифатини янада яхшилаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар чиқариш бўйича масъулиятини янада ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони асосида “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг иккинчи йўналишида яъни Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб берилди⁶. Шундай экан, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда суд органларининг фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган

ишончини янада ошириш, судларда қарор қабул қилиш жараёнлари очик бўлишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш ҳаётий заруратга айланди. Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги ва судда иш кўришнинг ошкоралиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишларнинг очик кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган⁷. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасига кўра, барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилиши, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси” ПФ-60-сон Фармони. <http://uza.uz/>.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>



муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади⁸.

Хулоса қиладиган бўлсак судлар фаолиятидаги ислоҳотларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>